



## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Хизматлар ҳажми** – Озиқ-овқатнинг тахминий ҳажми: 46 361 700 (Қирқ олти миллион уч юз олтмиш бир минг етти юз) сўм. Озиқ-овқатни тайёрлаш ва етказиб бериш ҳар куни амалга оширилиши керак.

**Хизмат кўрсатиш қиймати** – 1 нафар бемор учун 22 300 сўм.

**Хизмат кўрсатиш шартлари (давралари):** шартнома тузилган пайтдан бошлаб 2022-йил 31-мартгача.

**Хизмат кўрсатиш жойи:** Озиқ-овқатни тайёрлаш ва етказиб бериш (ҳисоб-фактуралар кўчирмаси билан) Ижро этувчи томонидан Буюртмачининг манзили бўйича амалга оширилади.: Сирдарё вилоят, Гулистон шаҳар, Ўзбекистон шох кўча 35-уй

**Сифат ва ишончлилиққа бўлган талаблар:**

Озиқ-овқатни тайёрлаш учун фақат барча зарур санитария меъёрларига жавоб берадиган юқори сифатли таом тайёрлаш воситаларидан фойдаланиш. Озиқ-овқат тайёрлангандан сўнг, тайёрланган озиқ-овқатлар беморлар учун хавфсиз бўлиши керак.

Озиқ-овқатсифати Буюртмачини қониқтирмаса, Ижро этувчи хизмат ҳақини қайта ундирмасдан озиқ-овқатни бошқатдан қайта тайёрлашга мажбурдир. Ижро этувчи хизмат кўрсатиш шартларига риоя қилган ҳолда хизматнинг юқори сифатли бажарилишини таъминлаши шарт (Озиқ-овқат тайёрлаш воситалари сифат даражасида бўлиши шарт).

Хизматлар куйидаги меъерий-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда кўрсатилади: Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015 йилдаги ЎРҚ-393 - сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни; СанПиН 0342-17-сонли “Касалхона ичидаги инфекцияларни олдини олиш” - О’zDSt 995:2001 “Хизматлар. Асосий қоидалар”.

**Бажарилган иш ҳажми учун ҳисоб-китоблар куйидаги шароитлар бажарилганда 1 нафар бемор сифати бўйича ассортиментда амалга оширилади:**

- хизмат муддати соат 7:30 дан 17:30 соатгача, ҳафтада 7 кун, дам олиш кунларисиз амалга оширилади.

- дам олиш ва байрам кунларида хизматлар кўрсатиш нарҳини ўзгартирмаган ҳолда хизматлар кўрсатиш.

- тайёрланган таомлар юқори сифат даражасида тайёрланиши керак.

- озиқ-овқат маҳсулотларни юклаш, ташиш, тушириш ва қаватга кўтариш Ижро этувчи томонидан ўз маблағлари ва Ижро этувчининг ўз кучлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижро этувчи озиқ-овқатнинг шикастланиши ва йўқолиши учун унинг тўлиқ нарҳини қоплаш орқали жавобгар бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотларининг шикастланиши ёки йўқолиши факти иккала томон вакиллари томонидан далолатнома тузиш орқали аниқланади. Озиқ-овқат маҳсулотлари шикастланган, алмаштирилган ёки йўқолган тақдирда, Ижро этувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг қолдиқ қийматини қоплайди ва (ёки) шикастланган қисмини алмаштиради.

**Гигиеник талаблар:** Тайёр таомтайёрлаш ошхонаси жойлашуви технологик жараённинг кетма-кетлигини (оқимини) назарда тутиши керак, сифат даражаси бузилишига йўл қўйилмайди. Ошхона тоза сақланиши керак. Барча хоналарни нам тозалаш ҳар куни амалга оширилади. Умумий тозалаш ҳар куни бир марта амалга оширилади. Биноларни дезинфекциялаш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган дезинфекциялаш воситалари қўлланилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини очиқ полда сақлашга йўл қўйилмайди. Тайёр таомни тарқатиш фақат фақат махсус ташиш идишларида ташиш амалга оширилади.

**Ижро этувчи ўз маблағлари ҳисобидан ошхонанинг техник жиҳозларини яхшилашга мажбурдир:**

- 2 дона замонавий табиий газда ишлайдиган газ плитаси ўрнатилиши;
- 2 дона замонавий электр токида ишлайдиган плитаси ўрнатилиши;
- 2 дона озиқ-овқат маҳсулотларини сақлайдиган қулай шароитга эга жиҳозлаш;

Шунингдек, бинонинг ички ва ташқи қисмларини яхшилаш, ўтказилган жиҳозларни тегишли шаклда сақлаш ва ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишларини олиб бориш.

## НАРХ ҚИСМИ

1	Лойиҳанинг чекланган қиймати	<i>Хизматларнинг чекланган қиймати 30% ҚҚСсиз ҳисобга олган ҳолда 46 361 700 (Қирқ олти миллион уч юз олтмиш бир минг етти юз)сўм.</i>
2	Молиялаштириш манбаи	<i>Бюджет маблағлари</i>
3	Иштирокчилар учун тўлов шартлари	<i>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ (41-модда), Шартнома умумий суммасининг камида 30% миқдордаги аванс тўлови шартнома тўғрисидаги маълумотлар шартномалар реестрига киритилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилади.</i>
4	Тўлов валютаси	<i>Ўзбек сўми</i>
5	Етказиб бериш муддати	<i>4-8 соат, 24/7</i>
6	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	<i>Танлов таклифларини топшириш тугаган кундан бошлаб камида 30 кун.</i>